O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K... ...ALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 21 апрель, № 77 (4992) Чоршанба

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19-20 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Ташрифнинг асосий воқеалари 20 апрель куни Кремлда Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка учрашувидан бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия, Россия ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бугунги ҳамкорлик ана шу ҳужжатлар асосида ривожланмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида олий даражадаги мулоқотлар мунтазам тус олганини таъкидлаш жоиз.

Турли мақомдаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари ҳам фаол давом этмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари ўртасидаги мулоқот ва маслаҳатлашувлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу алоқалар минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ишларига ёрдам кўрсатиш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Россия Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий, иқтисодий ва сармоявий шеригидир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. Гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам алоқалар кўлами кенг эканини таъкидлаш жоиз. Бу йўналишдаги ҳамкорлик таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик каби кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Умуман айтганда, давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан нуқтаи назар ва қарашлари ўхшаш ва яқинлиги, халқларимизнинг дўстлиги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзаро муносабатлар турли даражаларда имзоланган 276 ҳужжатга асосланади.

Суҳбат чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехника иншоотлари қуришда қўшни мамлакатлар билан маслаҳатлашиш, бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг Россияга экспорти табиий газ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, тўқимачилик буюмларидан иборат. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар Россияда энг харидоргир транспорт воситаларидан эканини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бу ўзаро савдода юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош саноат маҳсулотларининг улуши ортаётганига ёрқин мисолдир. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металлар, механик ва электр ускуналар, ёғоч ва ундан ишланган буюмлар каби маҳсулотлар келтирилади.

Сармоявий ҳамкорлик ривожи қўшма корхоналар сонининг ошганида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 843 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Россиянинг 135 та фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Президентлар ушбу кўрсаткичлар икки томоннинг ҳам имкониятларини тўла акс эттирмаслигини таъкидладилар. Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга. Саноатнинг қатор тармоқларида, қайта ишлаш саноатида, бошқа кўпгина соҳаларда икки мамлакатнинг фирма ва компаниялари ҳамкорлиги учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Музокарада маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик муваффақият билан ривожланмоқда.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2009 йилнинг октябрь ойида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Россия Сайёҳлик корпорацияси ўртасида агентлик битими имзоланган. У Россияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг ишга солиш ва сайёҳлар оқимини оширишни назарда тутади.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон ва Россия Президентларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ҳарбий-техника соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2010 — 2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига оид ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Россия Федерацияси Федерал божхона хизмати ўртасида Олдиндан хабардор этиш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги протокол, Маданий-гуманитар соҳада 2010 — 2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ, дўстона руҳда ўтганини, эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Ушбу ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги устувор йўналишларини белгилаш, ишга солинмаётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш учун қулай имкониятдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Россия билан муносабатларни юксак қадрлайди. Бу муносабатлар икки мамлакат манфаатларига, айни пайтда бутун Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Бўлиб ўтган музокаралар ўзаро шериклик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам қизиқиш катта эканини намойиш қилди, — деди Дмитрий Медведев. — Биз иқтисодий масалалар ҳақида фикр алмашдик. Энергетика, авиасозлик, машинасозлик, телекоммуникация ва кўплаб бошқа соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдик. Ушбу ташриф ҳамкорликнинг асосий йўналишларини янада мустаҳкамлаб, янги имкониятларни очишига ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин билан учрашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини яна бир карра тасдиқлади ва ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришнинг янги имкониятларини очиб берди, дейиш учун барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
***ЎзА махсус мухбири.***
Тошкент — Москва — Тошкент
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида “Таълим соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш: муаммо ва ечимлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Қўмита раиси Э. Юсупов бошқарган анжуманда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб республикамизда ёш авлод тарбиясига ҳамда таълим масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Бир қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши бунинг яққол далилидир.

Мазкур ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши таълим тизимининг сифат жиҳатидан такомиллашувини таъминлади. Узлуксиз таълим тизими ғояси миллий таълим моделимизнинг ўзагини ташкил этади. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, бакалавриат, магистратура каби тушунчалар одатий ҳолга айланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда таълим тизимимизнинг самарадорлиги жаҳон миқёсида тан олинган.

Дарҳақиқат, бу соҳада эришилган муваффақиятлар анча салмоқли. Хусусан, жорий 2010 йилги давлат бюджетида мамлакатимиз бюджет маблағларининг 34 фоизи айнан таълим соҳасига йўналтирилиши белгиланган. Бундан ташқари, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга оширишга 8 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Моҳиятан кенг қамровли бўлган ушбу ҳужжат, таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

(Давоми 2-бетда).

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДА АНЖУМАН

**Тадбир**

Кеча Республика болалар кутубхонасида бола ҳуқуқлари муҳофазасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ўқитувчи ва мураббийлар, ўқувчи-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, юртимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мукаммал дастурлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилиниб, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимли амалга оширилаётганини қайд этдилар. Чунончи, мамлакатимиз бу борада тегишли халқаро ҳужжатларга қўшилмоқда, уларнинг изчил ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотларининг

(Давоми 2-бетда).

**22 апрель — Халқаро ерни муҳофазалаш куни**

# РИЗҚИМИЗ МАНБАИНИ АСРАШ МАСЪУЛИЯТИ

***Маълумки, 1992 йил июль ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан “Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш” мавзуида халқаро конференция ташкил этилиб, у мутахассислар томонидан “Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув”, дея баҳоланган эди.***

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб инсоният фаолиятининг атроф-муҳитга бўлган таъсири, экологиянинг глобал даражада ёмонлашуви жаҳон ҳамжамиятини ўйлантирадиган муаммоларни юзага чиқарди. Шу боис ўтган йиллар давомида 22 апрель — Халқаро ерни муҳофазалаш куни сифатида кенг нишонлаб келинади.

Кеча пойтахтимизда ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси, “Экосан” халқаро жамоат фонди ҳамда Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

***Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиши***

**22,1** **фоизни ташкил этди.**

Республикамизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил ижроси таъминланиб, унинг доирасида экспорт қилувчи корхоналар қўллаб-қувватланаётгани, ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётгани экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий сальдога эришишни таъминлади.



# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, мазкур Дастурга кўра, биргина жорий йилда Наманганда жами 33,5 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 14 та умумтаълим мактаби, 4 та академик лицей ва 41 касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 12640 ўринли 99 та ётоқхона қурилиши, реконструкция қилиниши ва фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини тасдиқлаб турибди.

Қўмита йиғилишида асосий эътибор таълим соҳаси ва ўқитиш жараёнининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари вакиллари янги педагогик технологияларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, устоз-мураббийларнинг баркамол авлод тарбиясидаги масъулиятини янада ошириш сингари масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, парламент қуйи палатасидаги партия фракциялари ва Экологик гуруҳ депутатларининг ранг-баранг позициялари, одатда, қонунлар қабул қилиш жараёнида ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Аслида, қонун муҳокамаси жараёнидаги фракциялараро кураш ва қизғин тортишувлар билан ўтадиган қўмита йиғилишларидаги жонли муҳит ҳам шу тарзда юзага келади.

— Партиямиз таълим муассасаларида давлат мақоми сақлаб қолинишини ёқлайди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдукамол Раҳмонов. — Шунингдек, партия бепул таълимга оид конституциявий тамойилга амал қилиш, давлат таълим муассасалари фаолияти устидан қатъий жамоатчилик назоратини таъминлаш, соҳада амалдаги давлат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш тарафдоридир.

Биз таълим тизимини тартибга солувчи айрим меъёрий-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабалари (ўқувчилари) ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисида"ги Низомни қайта кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу ҳужжат айрим жиҳатлари билан "Таълим тўғрисида"ги Қонунга етарли даражада мос келмайди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП бошқа партиялардан фарқли равишда таълим тизимида инновацион технологияларни ривожлантириш тарафдоридир. Шу жумладан, дистанцион таълимни босқичма-босқич жорий этишнинг ҳам.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев ўз сўзини замон талабларига жавоб берувчи ягона таълим стандарти ҳақидаги мулоҳазалари билан бошлади. Ота-онасининг даромадларидан қатъи назар, ўқишни истаган барча ёшлар таълим олиш имконига эга бўлишлари керак, деб ҳисоблайди депутат.

— Биз таълим соҳасига давлат маблағлари киритишни сақлаб қолиш ва янада кўпайтириш, давлат таълим муассасалари учун молиявий имтиёзлар тақдим этиш тарафдоримиз, — сўзида давом этди у. — Партиямиз олий ўқув юртларида корхоналар буюртмаларига кўра, мутахассислар тайёрлаш амалиётини кенгайтиришни ёқлайди. Чунки бу муайян соҳа ва тармоқлар учун манзилли равишда мутахассисларни тайёрлаш имконини беради. Қишлоқ ёшларининг олий тиббиёт, педагогик ва бошқа ўқув юртларига киришлари учун шароитлар яратиш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми, пировардида қишлоқни мутахассислар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш имконини беради.

ЎзЛиДеП фракцияси номидан сўз олган депутат Нодира Каримова ўз партияси бу масалада аниқ позицияга эга эканлигини таъкидлади.

— Аввало, бозор шароитида таълим тизими ихтисослашувга йўналтирилган бўлиши керак. Бу эса ўқитилаётган фанларни жамиятнинг иқтисодий тараққиётини белгиловчи йўналишлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни назарда тутади.

Биз Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бу борадаги позициясини унча тушунмай қолдик. Чунки бу соҳада монополияни бартараф этиб, рақобатни ривожлантиришга эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, биз давлатнинг таълим соҳасидаги харажатларини ошириш, давлат таълим муассасалари учун молиявий имтиёзларни кенгайтириш борасидаги ХДП позициясига қўшилмаймиз. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида биздаги каби кўп, яъни давлат бюджетининг 34 фоиз маблағи таълим соҳасига йўналтирилмайди. Бунда сўз таълим сифати ҳақида юритилиши керак!

— Партиямиз таълим соҳасидаги энг яхши миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш, юксак маънавият соҳиблари бўлган мутахассисларни тайёрлаш тарафдори, — деди "Миллий тикланиш" партиясининг Қонунчилик палатаси фракцияси аъзоси Абдуғофур Маматов. — Интеллектуал мулк мулкчиликнинг бошқа шакллари каби ҳимояланган бўлиши лозим. Тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жоиз. ЎзЛиДеП ва ЎзХДП вакиллари таълим сифатини ошириш ҳақида гапирадилар-у, лекин бунда миллийлик, яъни маънавий жиҳатга эътибор қаратмайдилар. Бизнинг фикримизча, таълим сифати маънавият ривожига боғлиқ, яъни биз нимани, қандай ўқитаётганимизга боғлиқ. Фанларнинг шакли эмас, балки мазмуни муҳим. Илм-фан ривожи, айниқса, ижтимоий-гуманитар, илмий тадқиқот лабораториялари, ижод учун шарт-шароитларнинг тақдим этилиши сифатли таълим асоси ва партиямизнинг устувор вазифасини ташкил этади. Бунинг учун қўшимча харажатлар эмас, балки устувор йўналишларни қайта кўриб чиқиш ва манзилли молиялаштириш талаб этилади.

Депутат Илҳом Отажонов эса Ўзбекистон Экологик ҳаракати номидан гапириб, бугунги кунда аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш муҳим масала эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у соҳага доир қонунларни такомиллаштиришда гуруҳ фаол иштирок этишини ҳам билдирди.

— Узлуксиз экологик ва барқарор ривожланишни таъминловчи таълим дастурини шакллантириш ва амалга ошириш, керак, — деди у. — Қолаверса, экология соҳасида малака ошириш ҳамда турли соҳа мутахассисларининг экологик таълим даражасини юксалтиришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш долзарб масаладир.

Бундан ташқари, ўқув муассасалари, оилалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа институтларнинг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчиларининг экологик таълимини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш лозим бўлади.

Давра суҳбати сўнгида Экологик ҳаракат ва партия вакиллари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинган ҳолда, тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Алишер БОЛИЕВ.**

# ҲУНАРМАНД ҚЎЛЛАР ҚАДРИ

***Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз ҳунармандлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди.***

Ўзбекистон Ер юзидаги қадимий ҳунармандчилик бешикларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик даврида Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги ва эътибори туфайли халқимизнинг ҳунармандчилик салоҳияти қайтадан катта куч билан уйғонди ва улкан самаралар бермоқда.

Бу борада, айниқса, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилиниб, соҳага беқиёс ривожу равнақ бағишлаган Фармон ва қарорларнинг ижтимоий-оммавий руҳлантирувчилик қудратини алоҳида таъкидлагимиз келади.

### Фармон ва ижро

Масалан, Президентимизнинг 1997 йилнинг 31 мартида қабул қилган бу борадаги дастлабки фармонларидан бири "Бадиий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" деб аталиб, ушбу дастурий ҳужжат миллий ҳунармандчилигимизнинг йўқолиб кетган кўпгина турларини қайта тиклашга туртки бўлди. Бундан ташқари, ҳунармандчилик ҳамда амалий санъат буюмларининг истеъмол бозоридаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга шароит яратди. Ҳунармандларимиз бозорларда яқин ўтмишда бўлганидек, қисиниб-қимтиниб эмас, балки эркин, бемалол савдо қила бошладилар.

Юртбошимиз 2008 йил 1 апрелда имзолаган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан эса, бундан олдинги, яъни 2005 йил 28 мартдаги Фармон билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ равишда, уй шароитида бадиий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқараётган шахслар 2008 йилнинг 1 апрелидан — 2010 йил 1 апрелигача қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган эдилар.

Ниҳоят, жорий йилнинг 30 мартида имзоланган юқоридаги янги Фармонга асосан, қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун энди 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтириладиган бўлди.

— Президентимизнинг юксак ғамхўрлиги ва эътибори билан мамлакатимизда бадиий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, — дейди биз билан суҳбатда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбари Муҳаммадюсуф Қурбонов. — Масалан, 1997 йилда "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари сони атиги 700 кишини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич салкам 20 минг нафарга етди. Ҳунармандчиликдаги қадимги "Уста-шогирд"лик анъаналари қайта тикланиб ва ривожланиб, айни пайтда юртимизда 197 та ана шундай ҳунармандчилик мактаби фаолият юритмоқда. Республикамизнинг 41 туманида уюшманинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, норасмий фаолият юритаётган ҳунармандларни ўз сафига бирлаштирмоқда ва уларга ҳар тарафлама мададкор бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда солиқ имтиёзига эга уюшма аъзолари 25 та йўналишда мингдан ортиқ турдаги ҳунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотлари ҳамда буюмларини ишлаб чиқармоқдалар. Улар 2009 йилда 50 миллиард 140,8 млн. сўмлик маҳсулот-буюмлар ишлаб чиқардилар. Бу маҳсулотлар маҳаллий бозорларда ва халқаро савдо-кўргазмалар орқали хорижий давлатларда ҳам сотилмоқда. Шу асосда буюртмалар ҳам олинмоқда.

Президентимиз Фармони Ватанимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликка аҳолининг кенг қатламини, шу жумладан, ёшларни фаол жалб этиш, уларга ҳар тарафлама шарт-шароитлар яратиш мақсадларини кўзлайди.

**М. САФАРОВ,**
**шарҳловчи.**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДА АНЖУМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

иштироки таъминланаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда ўтган йил 1 июлдаги қарори билан тасдиқланган "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури" бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг ҳаётий тасдиғидир.

— Давра суҳбатида иштирок этиб, юртимизда болалар ҳуқуқларига оид қонунчилик билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим, — дейди пойтахтимиздаги 64-мактаб ўқувчиси Аббос Жумадуллаев. — Масалан, юртимизда ишга қабул қилиш 16 ёшдан белгилаб қўйилган экан. Агар 15 ёшга тўлган бола ишламоқчи бўлса, ота-онасининг ёки улардан бирининг ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги лозим бўларкан. Тадбирда қонунчилигимизга доир ана шу каби янги ҳуқуқий меъёрлар ҳақида батафсил тушунча берилгани, биз ёшларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбирда мутахассислар бола ҳуқуқларига доир қонунчилик хусусида ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

***Омонулла ФАЙЗИЕВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СУРЪАТИ ОШМОҚДА




***Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Nestle Ўзбекистон" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 2,7 минг тонна сут маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилгани бунинг яққол далилидир.***

### Жараён

Эътиборлиси, корхона маҳсулотларининг салмоқли қисми чет давлатларга сотилмоқда. Масалан, шу муддатда 1093 тонна минерал сув экспорт қилинди. Шунингдек, болалар озуқасига ҳам кўплаб буюртмалар олинди. Чунки бу ерда тайёрланаётган сут маҳсулотлари фойдали микроэлементларга бойлиги, юқори сифати ва тўйимлилиги билан ажралиб туради.

Айни пайтда уч юз кишилик корхона жамоаси ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш, буюртмаларни ўз вақтида бажариш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА:** қўшма корхона ишчиси Сардор Ирисбоев.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси "Жомбой дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Ўтган йили корхонанинг тегирмон цехида биринчи навли бойитилган ун тайёрлаш йўлга қўйилганлиги, 33324 тонна ёки 2008 йилдагига нисбатан 5248 тонна кўп омихта ем ишлаб чиқарилганлиги бунинг далилидир.***

# ЯНГИЛАНИШ ШАРОФАТИ

— Саноат корхоналарининг модернизация қилиниши, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши ишлаб чиқариш қувватининг ошиб боришига, пировардида маҳсулот таннархининг пасайишига хизмат қилаяпти, — дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Жамол Турсунов. — Омихта ем цехимиз техник жиҳатдан анча эскирган эди. Бу эса кўп ишчи кучи талаб қилар, электр энергияси, сув ва бошқа ресурсларнинг меъёридан ортиқ даражада сарфланишига, оқибатда маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўларди. Ортиқча харажатларга чек қўйиш мақсадида, ушбу цехни модернизация қилдик. Бунинг учун хориждан қиймати 324 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар олиб келинди.

Корхонада ушбу техник жиҳоз ва асбоб-ускуналарни ўрнатиш, қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 45 кун кифоя қилди. Натижада цех бир кеча-кундузда 228 тонна сифатли омихта ем ишлаб чиқариш, яна шунча маҳсулотни истеъмолчилар талабига кўра донадор озуқага айлантириш қувватига эга бўлди. Асосийси, цехда вилоят ички бозорини, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини маҳаллий хом ашё базасида ишлаб чиқарилган омихта ем билан таъминлаш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан бойитиш имконияти яратилди.

### Интилиш

Айни пайтда модернизациялаш жамиятнинг "Иссиқ нон" цехида ҳам олиб борилаяпти. Бу ерга 199 миллион 980 минг сўмлик кредит эвазига Германиянинг "Вахтел" фирмасида ишлаб чиқарилган янги ускуналар ўрнатилаяпти. У ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 3 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Қисқаси, "Жомбой дон маҳсулотлари" корхонасида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишлар самараси яққол кўзга ташланаяпти. Ишлаб чиқарилаётган ун, омихта ем сифатлилиги боис мижозларга тобора манзур бўлмоқда. Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш истеъмолчиларга етказиб берилаётгани, товар-хом ашё биржалари орқали сотилаётган омихта ем ҳажми йил сайин ошиб бораётгани шундан далолат беради. Аниқроғи, масалан, ўтган йили биржа савдоларида 493 тонна ем сотилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1100 тоннага етказилиши мўлжалланаяпти. Бунинг учун имкониятлар етарли. Йилнинг дастлабки чорагида харидорларга 250 тоннага яқин омихта ем етказиб берилгани бунинг исботидир.

Корхонада изчил давом эттирилаётган модернизациялаш ишлари иқтисодиётимизнинг янада юксалишига, аҳолига арзон ва сифатли маҳсулот етказиб беришга хизмат қилаверади.

***Абдурасул САТТОРОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# РИЗҚИМИЗ МАНБАИНИ АСРАШ МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидландики, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, ер ва унинг ресурсларидан фойдаланиш ҳолати қувонарли даражада эмас. Жумладан, ҳозирги кунда дунё бўйича ҳар бир одамга ўртача 0,45-0,31 гектар ер майдони тўғри келаяпти. Аммо мутахассисларнинг кузатишларича, йилига 6 миллион гектар ер чўлланишга учрамоқда. Қолаверса, ер ҳолатининг ёмонлашувида физик, кимёвий, биологик ва бошқа омилларнинг таъсири ҳам катта бўлаётир. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда илмий асосда фаолият юритишни тақозо этмоқда.

Маълумотларга кўра, республикамизда суғориладиган ер 4,31 миллион гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил этиб, унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тўқсон фоизи етиштирилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ер ва унинг ресурсларидан фойдаланиш жараёни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояга олинган. Бунда қабул қилинган "Ер кодекси", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Президентимизнинг 2007 йил 30 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айниқса, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариб юборди. Негаки, ушбу ҳужжатда қишлоқ хўжалигида самарадорликни янада ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Ўтган вақт мобайнида эса унинг ижроси юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2008 — 2012 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Давлат дастури доирасида олиб борилган ишлар туфайли биргина ўтган йилнинг ўзида 240 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунда жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, "ЮНЕП", "ЮНИДО" сингари молия муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари яхши самара бераяпти. Бироқ бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Республикамиз бўйича 2 миллион гектардан зиёдроқ ернинг шўрланганини, қарийб шунча майдон сув ва шамол эрозияси таъсири остида эканлиги шундан далолат беради.

Бундан ташқари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан 80 та саноат корхонасида ўтказилган таҳлил давомида уларнинг 44 тасида рухсат этилган меъёрлардан ортиқ даражада тупроқни ифлослантирувчи моддалар чиқарилаётгани маълум бўлди.

Тадбирда, шунингдек, ана шу муаммоларнинг олдини олиш хусусида фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланиши, келгуси режалар белгилаб олиниши баробарида, Британия Кенгаши халқаро ташкилотининг "Янги авлод: иқлим ўзгаришига мослашиш" лойиҳасининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

***Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

### «Кўклам-2» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 19 апрелда Гулистон шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

### РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Матиз" автомобили | Тошкент шаҳри | Чилонзор филиали | "Усмон Юсупов" минибанки | К21-1 |
| 2 | Телевизор BOSS-21Д | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-78 |
| 3 | Телевизор BOSS-21Д | Тошкент шаҳри | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К21-9 |
| 4 | Телевизор BOSS-21Д | Сирдарё вилояти | Ш. Рашидов филиали | 04-шохобча | К2-2 |
| 5 | Телевизор BOSS-21Д | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | К2-2 |
| 6 | Телевизор BOSS-21Д | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | К21-10 |
| 7 | Телевизор BOSS-21Д | Сурхондарё вилояти | Узун филиали | 02-шохобча | К2-1 |
| 8 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | К2-79 |
| 9 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | К2-77 |
| 10 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-123 |
| 11 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | К2-17 |
| 12 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | К2-7 |
| 13 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | К2-30 |
| 14 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт булими | Амалиёт бўлими | К2-116 |
| 15 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Хоразм вилояти | вилоят филиали | 010-шохобча | К2-1 |
| 16 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 011-шохобча | КК2-1 |
| 17 | "Ойгул" кир ювиш машинаси | Сурхондарё вилояти | Денов филиали | Амалиёт бўлими | К2-3 |
| 18 | "Чимган" электр дазмоли | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | К2-35 |
| 19 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-10 |
| 20 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | Ш. Рашидов филиали | 06-шохобча | К2-2 |
| 21 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-46 |
| 22 | "Чимган" электр дазмоли | Хоразм вилояти | вилоят филиали | Амалиёт бўлими | К2-1 |
| 23 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | С. Раҳимов филиали | 0526-шохобча | К21-11 |
| 24 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | С. Раҳимов филиали | Амалиёт бўлими | К21-8 |
| 25 | "Чимган" электр дазмоли | Фарғона вилояти | Қўқон филиали | Амалиёт бўлими | К2-22 |
| 26 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | К2-12 |
| 27 | "Чимган" электр дазмоли | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | К2-31 |
| 28 | "Чимган" электр дазмоли | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 023-шохобча | К2-1 |
| 29 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | Боёвут филиали | Амалиёт бўлими | К2-4 |
| 30 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | К21-9 |
| 31 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | К21-5 |
| 32 | "Чимган" электр дазмоли | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | К2-4 |
| 33 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | К21-19 |
| 34 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент вилояти | Паркент филиали | "Паркент 1" минибанки | К2-1 |
| 35 | "Чимган" электр дазмоли | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | К2-9 |
| 36 | "Чимган" электр дазмоли | Бухоро вилояти | Ф. Хўжаев филиали | Амалиёт бўлими | К2-13 |
| 37 | "Чимган" электр дазмоли | Жиззах вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-14 |
| 38 | "Чимган" электр дазмоли | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 010-шохобча | К2-4 |
| 39 | "Чимган" электр дазмоли | Қорақалпоғистон Республикаси | Қонликўл филиали | "Куламет жырау" минибанки | К2-1 |
| 40 | "Чимган" электр дазмоли | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | К2-37 |
| 41 | "Чимган" электр дазмоли | Қашқадарё вилояти | Ғузор филиали | 025-шохобча | К2-1 |
| 42 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | К21-31 |
| 43 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | С. Раҳимов филиали | 0526-шохобча | К21-18 |
| 44 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-130 |
| 45 | "Чимган" электр дазмоли | Андижон вилояти | Избоскан филиали | 031-шохобча | К2-1 |
| 46 | "Чимган" электр дазмоли | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | К-2-16 |
| 47 | "Чимган" электр дазмоли | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | 013-шохобча | К2-1 |
| 48 | "Чимган" электр дазмоли | Хоразм вилояти | Қораул филиали | Амалиёт бўлими | К2-1 |
| 49 | "Чимган" электр дазмоли | Сурхондарё вилояти | Узун филиали | 020-шохобча | К2-1 |
| 50 | "Чимган" электр дазмоли | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | Махсус касса | К2-2 |
| 51 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-62 |
| 52 | "Чимган" электр дазмоли | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | К21-38 |
| 53 | "Чимган" электр дазмоли | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | К-2-10 |
| 54 | "Чимган" электр дазмоли | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | Амалиёт бўлими | К2-4 |
| 55 | "Чимган" электр дазмоли | Сирдарё вилояти | вил. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | К2-71 |
| 56 | "Чимган" электр дазмоли | Самарқанд вилояти | Қўшработ филиали | 014-шохобча | К2-1 |
| 57 | "Чимган" электр дазмоли | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | Амалиёт бўлими | К2-23 |

392R/261

**Ҳайъат раиси** — Гулистон шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари **Ш. Аликулов**
**Масъул котиб** — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари **М. Ж. Саидов**

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

### «Наврўзи олам» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 19 апрелда Гулистон шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

### РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1000000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | НО-12 |
| 2 | 250000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 03-шохобча | НО-137 |
| 3 | 250000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | НО-5 |
| 4 | 200000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 023-шохобча | НО-1 |
| 5 | 200000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | НО-8 |
| 6 | 200000 | Тошкент вилояти | Зангиота филиали | 066-шохобча | НО-2 |
| 7 | 200000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 027-шохобча | НО-47 |
| 8 | 100000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | НО-22 |
| 9 | 100000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | НО-30 |
| 10 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | НО-10 |
| 11 | 100000 | Кашкадарё вилояти | Бешкент филиали | 042-шохобча | НО-1 |
| 12 | 100000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 019-шохобча | НО-7 |
| 13 | 50000 | Фарғона вилояти | Олтиариқ филиали | 011-шохобча | НО-1 |
| 14 | 50000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | НО-14 |
| 15 | 50000 | Тошкент вилояти | Зангиота филиали | 024-шохобча | НО-15 |
| 16 | 50000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 016-шохобча | НО-1 |
| 17 | 50000 | Фарғона вилояти | Охунбобоев филиали | 01-шохобча | НО-1 |
| 18 | 50000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 01-шохобча | НО-5 |
| 19 | 50000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | НО-73 |
| 20 | 50000 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | НО-3 |
| 21 | 50000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 027-шохобча | НО-45 |
| 22 | 50000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | 0342-шохобча | НО-4 |
| 23 | 25000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | Амалиёт бўлими | НО-37 |
| 24 | 25000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | НО-1 |
| 25 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | НО-5 |
| 26 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахиатош филиали | 015-шохобча | НО-1 |
| 27 | 25000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 015-шохобча | НО-9 |
| 28 | 25000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | Амалиёт бўлими | НО-1 |
| 29 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | Амалиёт бўлими | НО-1 |
| 30 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 03-махсус касса | НО-1 |
| 31 | 25000 | Бухоро вилояти | Жондор филиали | Амалиёт бўлими | НО-5 |
| 32 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 06-шохобча | НО-1 |
| 33 | 25000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | НО-5 |
| 34 | 25000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | 034-шохобча | НО-11 |
| 35 | 25000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | НО-33 |
| 36 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | НО-3 |
| 37 | 25000 | Самарқанд вилояти | Пастдарғом филиали | 042-шохобча | НО-14 |
| 38 | 25000 | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | 013-шохобча | НО-2 |
| 39 | 25000 | Сурхондарё вилояти | Шеробод филиали | Амалиёт бўлими | НО-3 |
| 40 | 25000 | Жиззах вилояти | Фориш филиали | Амалиёт бўлими | НО-1 |
| 41 | 25000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | Амалиёт бўлими | НО-11 |
| 42 | 25000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | 034-шохобча | НО-3 |
| 43 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 019-шохобча | НО-2 |
| 44 | 10000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 07-шохобча | НО-5 |
| 45 | 10000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | НО-57 |
| 46 | 10000 | Тошкент вилояти | Зангиота филиали | 024-шохобча | НО-19 |
| 47 | 10000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 04-шохобча | НО-7 |
| 48 | 10000 | Фарғона вилояти | Учкўприк филиали | 024-шохобча | НО-1 |
| 49 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Оқманғит филиали | 01-шохобча | НО-2 |
| 50 | 10000 | Бухоро вилояти | Жондор филиали | Амалиёт бўлими | НО-20 |
| 51 | 10000 | Фарғона вилояти | Марғилон филиали | Амалиёт бўлими | НО-2 |
| 52 | 10000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | "Кулчабий" минибанки | НО-10 |
| 53 | 10000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | НО-1 |
| 54 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 047-шохобча | НО-2 |
| 55 | 10000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят Амалиёт бўлими | НО-3 |
| 56 | 10000 | Қашқадарё вилояти | Косон филиали | 063-шохобча | НО-1 |
| 57 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 026-шохобча | НО-2 |
| 58 | 10000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 09-шохобча | НО-2 |
| 59 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | НО-5 |
| 60 | 10000 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | НО-5 |
| 61 | 10000 | Самарқанд вилояти | Пайшанба филиали | "Мойбулоқ" минибанки | НО-18 |
| 62 | 10000 | Фарғона вилояти | Қўқон филиали | 077-шохобча | НО-2 |
| 63 | 10000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | НО-18 |
| 64 | 10000 | Фарғона вилояти | Марғилон филиали | 046-шохобча | НО-1 |
| 65 | 10000 | Сурхондарё вилояти | Узун филиали | "Обизаранг" минибанки | НО-1 |
| 66 | 10000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 030-шохобча | НО-34 |
| 67 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | НО-31 |
| 68 | 5000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | НО-36 |
| 69 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | НО-46 |
| 70 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Шаҳрисабз филиали | 044-шохобча | НО-1 |
| 71 | 5000 | Жиззах вилояти | Ғаллаорол филиали | 047-шохобча | НО-1 |
| 72 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | НО-1 |
| 73 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | НО-33 |
| 74 | 5000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 030-шохобча | НО-9 |
| 75 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | 09-шохобча | НО-2 |
| 76 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | 06-шохобча | НО-3 |
| 77 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | 06-шохобча | НО-7 |
| 78 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | Амалиёт бўлими | НО-4 |
| 79 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пастдарғом филиали | 042-шохобча | НО-13 |
| 80 | 5000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | "Самарқанд" минибанки | НО-5 |
| 81 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | НО-4 |
| 82 | 5000 | Фарғона вилояти | Фурқат филиали | 03- шохобча | НО-3 |
| 83 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | НО-6 |
| 84 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | 06-шохобча | НО-18 |
| 85 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Олтинсой филиали | 023-шохобча | НО-1 |
| 86 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | НО-16 |
| 87 | 5000 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | НО-1 |
| 88 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | НО-56 |
| 89 | 5000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | НО-3 |
| 90 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | 02-шохобча | НО-17 |
| 91 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | НО-30 |
| 92 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 04-шохобча | НО-28 |
| 93 | 5000 | Фарғона вилояти | Марғилон филиали | 018-шохобча | НО-2 |
| 94 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 033-шохобча | НО-2 |
| 95 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Музработ филиали | 06-шохобча | НО-4 |
| 96 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 023-шохобча | НО-2 |
| 97 | 5000 | Тошкент вилояти | Ангрен филиали | 027-шохобча | НО-37 |

393R/261

**Ҳайъат раиси** — Гулистон шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари **Ш. Аликулов**
**Масъул котиб** — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари **М. Ж. Саидов**

### Мусобақа

***Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номли спорт мажмуасида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган ёзги биатлон бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаси якунланди.***

## Мамлакат чемпионатига йўлланма

Баркамол авлод йилига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ташкил этилди.

Беллашувда республикамизнинг ўн бир вилоятидан 60 нафар спортчи иштирок этди. Қизғин кечган баҳсларда ўсмирлар ўртасида самарқандлик Анвар Каримов, жиззахлик Аликбер Юнусов ва наманганлик Дониёр Қурбоналиев ғолибликни қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса Хоразм вилояти вакили Дармонжон Рўзметова ҳамда наманганлик Анна Дреева муваффақият қозонди.

Мусобақада юқори кўрсаткичга эришган спортчилар жорий йилнинг май ойида ёзги биатлон бўйича мамлакат чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Мусобақа натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Наманган вилояти ёшлари биринчи, Хоразм вилояти вакиллари иккинчи, Самарқанд вилояти спортчилари эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

***Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг билим ва ҳунар эгаллашлари, умуман, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.***

## ЁШ МУТАХАССИС – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

### Изланиш

Айтиш жоизки, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган аниқ мақсадли вазифалар ижроси бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Натижада ёш мутахассислар иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилмоқдалар.

Хусусан, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ходимларининг аксарияти Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент молия институтининг битирувчиларидир. Ҳозирда ҳам мазкур молия муассасаси республикамиздаги йигирмага яқин олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Яқинда "Микрокредитбанк" томонидан олий ўқув юртлари раҳбарлари, банк мутахассислари, республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокида "Баркамол авлод — буюк келажак" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидландики, бугун юртимизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, молия муассасалари ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, хизматлар савиясини янада ошириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатувчилар зиммасига катта масъулият юклаяпти. Шу боис банк тизимини билимли ва замонавий талабларга жавоб берадиган салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда банк фаолияти хусусида маълумотлар берилди, иқтидорли ёшларни аниқлаш, рағбатлантириш ва уларни ишга жалб этиш борасида келишувларга эришилди.

**Д. МУРОДОВ.**

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

**Фаолиятингизга асоссиз аралашувлар ва қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари юзасидан ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес муҳитини ривожлантиришга оид барча масалалар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига мурожаат қилинг.**

**Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!**

**Телефон рақамлари: (+99871) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04 (ушбу хизмат бепул ва фақат шаҳар телефон тармоқлари орқали амалга оширилади), (+99893) 183-57-77 (18.00 дан кейин).**
**Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.**
**E-mail: info@chamber.uz, callcenter@chamber.uz**
**web-site: www.chamber.uz**

262R/399

**«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ**



**балиқ, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, донадор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТАДИ.**

**Дон маҳсулотлари: маккажўхори, буғдой, арпа ва соя шроти, кунгабоқар шроти ҳамда омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТИБ ОЛАДИ.**

**Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри.**
**Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53, (+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12.**
**E-mail: chzrgk@mail.ru**
Маҳсулот сертификатланган.

322R/392

**Ташкилот пул ўтказиш йўли билан наъматак меваларини сотиб олади. Маҳсулот сертификатга эга бўлиши шарт. Таклифлар қуйидаги тел:./факс: (99871) 256-60-59 ёки E-mail: uzximpharm@yandex.ru орқали қабул қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Азим Дурдиевич Джураевга отаси

**Дурди ДЖУРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O`zbekiston" телерадиоканали" ДУК "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти меҳнат фахрийси

**Тўлқин СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси бўлим мудири, юридик фанлар доктори Фахритдин Муҳитдиновга падари бузруквори, профессор

**Муҳитдин МИРСАИДОВнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

***Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ушбу эзгу мақсадни амалга оширишда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли ноёб тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор. Йилдан-йилга нуфузи ҳамда салоҳияти ортиб бораётган мазкур мусобақаларга тайёргарлик жараёнида жойларда бири-биридан кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, маданий-маиший иншоотлар барпо этилиб, ҳудудлар инфратузилмаси янада такомиллаштирилмоқда.***

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ҚУДРАТИ

## Андижонда «Универсиада» ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Дунёда ўхшаши йўқ бу тизим фарзандларимизни фойдали ҳамда мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, мухтасар қилиб айтганда, спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга хизмат қилмоқда. Юртбошимиз ўз чиқишларидан бирида мазкур мусобақалар ҳақида қуйидаги фикрни билдирган эдилар: “Мен бундай спорт байрамларида иштирок этаётган ёшларни кўрсам, чин дилдан қувониб кетаман. Чеҳраси очиқ, эртанги кунга интилиб яшаётган мана шундай соғлом болаларимиз халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистоннинг байроғини баланд кўтарса, худдики, уларнинг ёнида туриб шу байроқни кўтаргандек ифтихорга тўламиз. Мана шунинг учун айтмоқчиман: спорт — бу эртанги кунга бўлган ишончимиз, бизларнинг ортимиздан келаётган авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялайдиган ҳаётимизнинг муҳим бир соҳаси, кундалик турмушимизнинг узвий бир жабҳаси бўлмоғи керак”. Бу эзгу даъват барчамизнинг фаолиятимиз мезонига айланган.

“Универсиада — 2010” спорт ўйинларининг республика финал босқичига бу гал Андижон вилояти мезбонлик қилади. Бугун вилоятда ана шу муҳим тадбир, ёшлик ва гўзаллик байрамини муносиб ўтказиш учун астойдил тайёргарлик кўрилмоқда. Кўчаю хиёбонлар тартибга келтирилиб, қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Хусусан, Андижон шаҳрининг Ҳалқа йўли, Амир Темур, Бобур, Навоий шоҳкўчалари, Комил Яшин, Университет кўчаларида бажарилаётган юмушлар бунга ёрқин далилдир. Биргина Комил Яшин кўчаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, айни пайтда мазкур ҳудуд бутунлай янги қиёфага кирганлигини айтиш жоиз. Панаpасқам уйлар ўрнида 2-3 қаватли замонавий тураржой бинолари, савдо ва маданий-маиший объектлар барпо этилиб, аҳоли ҳамда меҳмонлар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай тадбирларга барча бир тану бир жон бўлиб, ўз ҳиссасини қўшаяпти.

Андижонликлар бундан етти йил муқаддам “Баркамол авлод” спорт мусобақаларини ҳам зўр муваффақият билан ташкил этиб, катта тажриба тўплашган эди. Ўшанда вилоят марказида барча имкониятларга эга Олимпия захиралари спорт коллежи, 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион қурилганди. “Универсиада — 2010” дастуридан ўрин олган бир қатор беллашувлар айнан шу иншоотларда ўтказилади. Шу боис уларда таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Шаҳарнинг Шўрбулоқ даҳасида эса учта футбол майдонига эга муҳташам футбол академияси қуриб битказилди. Бу ерда миллионлар ўйини ишқибозлари талабаларнинг қизғин баҳсларига гувоҳ бўлишади.

Албатта, бизнинг университетимиз катта спорт байрамининг асосий мезбони саналади. Ушбу масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиш мақсадида таълим даргоҳимизда ҳам кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик тадбирлари олиб борилаётир. Жумладан, ўғил болалар ўртасидаги баскетбол мусобақаларини ташкил этиш режалаштирилган спорт зали “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ҳомийлигида реконструкция қилинмоқда. 400 ўринли 1-талабалар тураржойи республика бюджети, 610 ўринли 2-талабалар тураржойи эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисобидан капитал таъмирланмоқда. Бу тураржойлар 630 миллион сўмлик зарур жиҳозлар билан таъминланиб, бугунги кун талабига мос ҳолга келтирилади. Шунингдек, университетнинг 300 ўринли 1-ошхонасида “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ҳомийлик маблағлари эвазига мукаммал таъмирлаш ишлари, 200 ўринли 2-ошхонасида эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маблағлари ҳисобидан 260 миллион сўмлик реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

### «Универсиада — 2010»

“Универсиада — 2010” мусобақаларининг финал босқичида қатнашиш учун мамлакатимиз олий ўқув юртларидан ташриф буюрадиган 1778 нафар талабанинг 898 нафари университетимиз тураржойига жойлашадилар. Мусобақалардан сўнг уларнинг яхши дам олиши, вақтларини мазмунли ўтказишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратиб берилади.

Ёшлар байрамига тайёргарлик жараёнида, шунингдек, Андижон шаҳридаги “Наврўз” стадиони, теннис корти, Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон давлат тиллар педагогика институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Андижон давлат тиллар педагогика институтининг 1-сонли академик лицейи, Андижон ахборот технологиялари коллежи спорт заллари ва бошқа объектлар, олий ўқув юртларининг талабалар тураржойлари, ошхоналари ҳам капитал таъмирланмоқда. Умуман, ушбу мақсадлар учун вилоят бўйича 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Вилоятда мавжуд бешта олий ўқув юрти талабалари бўлажак беллашувларга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Жорий йил январь ойида 12 та спорт тури бўйича улар ўртасида вилоят босқичи ташкил этилди. Унда 805 нафар талаба қатнашиб, умумжамоа ҳисобида Андижон давлат университети талабалари биринчи, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти вакиллари иккинчи, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ва Андижон давлат тиббиёт институти жамоалари эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб чиққан жамоа аъзолари “Универсиада — 2010” спорт ўйинларининг республика финал босқичида иштирок этиш учун вилоят терма жамоаси таркибига киритилдилар. Айни пайтда барча спорт турлари бўйича вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда тажрибали мураббийлар жалб этилиб, ўқув-машғулот йиғинлари пухта режа асосида олиб борилмоқда.

“Универсиада”га волейбол (ўғил болалар ва қизлар) ҳамда баскетбол (ўғил болалар) жамоалари мамлакат биринчилигида, футбол жамоаси эса Ўзбекистон чемпионати иккинчи лигасида иштирок этиш орқали тайёргарлик кўраётир. Баскетбол (қизлар) ва қўл тўпи (ўғил болалар) бўйича вилоят шарафини ҳимоя қиладиган ёшлар республика “Талаба” спорт уюшмаси томонидан ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Умидли полвонларимиз Сухроб Остонаев, Исломжон Азимов, Дониёр Собиров, Шароф Лутфуллаев шу йил март ойи бошларида Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубогида муваффақиятли иштирок этдилар. Енгил атлетика спорт тури бўйича вилоят терма жамоаси таркибида бир неча бор халқаро мусобақалар совриндори ва 2009 йили Хитойда ўтказилган Осиё Гран-приси бронза медали соҳибаси Ирина Мороз, шунингдек, истеъдодли спортчиларимиз Дилёр Ўктамов, Элёр Давлатов, Улуғбек Каримов ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда. Стол теннисидан эса Осиё чемпионати бронза медали соҳиби, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Тимур Шириев ўз маҳоратини намойиш этади. Шахмат бўйича Ўзбекистон олий лигаси иштирокчиси, ФИДЕ устаси Фаррух Каримовнинг ҳам Андижон “Универсиада”сидан ниятлари катта. Сузишда Ўзбекистон чемпионлари Собит Амилов, Диёр Абдумўминов, Осиё ўйинлари иштирокчиси Шоҳруҳ Юнусов Никита Арсеньев мураббийлигида, катта теннис спорт тури бўйича эса ака-ука Аброр ва Акмал Исоқовлар устозлари Набижон Қорабоев қўли остида қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Албатта, “Универсиада” спорт ўйинларида иштирок этиш олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ҳар бир талаба учун энг катта орзудир. “Универсиада — 2007” мусобақаларида сузиш бўйича 1 олтин, 1 кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритган Шоҳруҳ Юнусов, стол тенниси бўйича олтин медаль совриндори Альберт Шириев бу йилги баҳсларда ҳам юқори ўринларни эгаллаб, вилоят шарафини муносиб ҳимоя қиладилар, деган умиддамиз.

Бироқ, шуни ҳам очиқ айтиш керакки, Наманган, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Универсиада”да андижонлик талабалар умумжамоа ҳисобида совринли ўринларни қўлга кирита олмадилар. Шу боис вилоят спортчи-ёшлари бу галги баҳсларга мезбон сифатида ўзгача иштиёқ билан тараддуд кўрмоқдалар. Уларнинг асосий мақсадлари “Универсиада — 2010” мусобақалари ғолиблигини қўлга киритишдир.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Андижон давлат университети ректори, профессор.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБОЙЖОН КИНОСИ КУНЛАРИ

***Халқларни янада яқинлаштириш, эзгу инсоний ғояларни тарғиб ва ташвиқ этиш, ўзаро дўстлик, аҳиллик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда санъатнинг ўрни беқиёс. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида бошланган Ўзбекистонда Озарбойжон киноси кунларида бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг яққол ифодасини топди.***

### Санъат

«Ўзбеккино» миллий агентлиги ва Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган тадбирга юртимиз ва қардош халқнинг киноижодкорлари, санъатшунослар, турли ижодий ва жамоат ташкилотлари, хорижий дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори А. Исҳоқов, Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги мувақкат ишлари вакили Акиф Алиев ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва қардошлик ришталари турли жабҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил равнақ топаётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Озарбойжон фильмларида миллий руҳ, умрбоқий анъана ва қадриятлар тараннум этилган. Улар дилтортар куй-қўшиқлар, жозибадор рақсларга бой, ҳазил-мутойибага йўғрилган. Қардош халқ кино усталари яратган «Аршин мололан», «Қайнона», «Қаердасан, Аҳмад?» каби кинофильмлар ўзбек томошабинларининг ҳам севимли асарига айланган.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказиладиган Озарбойжон киноси кунлари ранг-баранг маданий-маърифий анжуманлар, ижодий мулоқотлар, янги бадиий, ҳужжатли, анимацион фильмларнинг премьераларига бой бўлади. Олий ўқув юртлари, турли ижодий ташкилотларда, Республика киночилар уйида Озарбойжон киноижодкорлари билан учрашувлар, ижодий анжуманлар, янги фильмлар намойиши бўлиб ўтади.

Тадбир доирасида қардош мамлакатнинг киноижодкорлари Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, миллий кино равнақи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ижодкорлар учун яратилган имкониятлар, соҳага оид янгиликлар, қўлга киритилган ютуқлар билан танишадилар. Меҳмонлар кўргазма заллари, музейлар, тарихий-меъморий обидалар, санъат кошоналарига саёҳат қиладилар.

Қардош халқнинг кино санъати кунлари «Озарбойжон оҳанглари», «Эзгулик таъми», «Ўнг келган туш», «Ният», «Бир қадам» каби турли жанрлардаги фильмлар премьералари билан бошланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт

***Қарши шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича “Амир Темур кубоги” мусобақалари бўлиб ўтди.***

# БОШ СОВРИН МЕЗБОНЛАРДА

Турнирнинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори миллий спортимиз турларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада кураш, белбоғли кураш, турон яккакураши каби миллий қадриятларимиз эъзозланиб, халқаро спорт тури сифатида эътироф этилди. Бундан бир йил муқаддам улар қаторидан яна бир яккакураш спорт тури — ўзбек жанг санъати ўрин олди.

Ўзбек жанг санъати — соғломлаштириш, қўл жанги, темурийлар жанг усули ва жанг кураши каби йўналишларни ўзида мужассамлаштирган. Асосийси, ушбу миллий спорт туримиз қисқа вақт ичида Бутунжаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси (WoMAU)га аъзо сифатида қабул қилинди. 2010 йили ўзбек жанг санъатини дунёда янада оммалаштириш учун Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти — W.A.S.C.O билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган W.A.S.C.O президенти Жанни Царицу пойтахтимиздаги “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатини кузатди. Ўзбекистонда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш, миллий спорт турларини халқаро майдонда оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Ўзбек жанг санъати федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган навбатдаги мусобақада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 9 ёшдан 21 ёшгача бўлган 400 нафардан зиёд спортчи медаллар учун кураш олиб борди.

— Бугунги кунда ушбу миллий спорт тури бўйича йигирма минг нафарга яқин ёшларимиз машғулотларда қатнашмоқда, — дейди Республика ўзбек жанг санъати федерацияси бош котиби Фахриддин Умаров. — Уларга икки юз нафарга яқин мураббий сабоқ бераяпти. Ўзбек жанг санъатининг беш йўналишидан бири бежиз темурийлар жанг усули, деб аталмайди. “Амир Темур кубоги” мусобақасининг Қашқадарёда ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2010 йилнинг июнь ойида Италияда яккакураш спорт турларининг W.A.S.C.O йўналиши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Биз учун муҳим томони, унинг дастурига ўзбек жанг санъати ҳам киритилди.

“Амир Темур кубоги” беллашувлари ана шу жаҳон чемпионатига мамлакатимиз спортчиларини саралаш вазифасини ўтади. Кескин курашлар остида ўтган мусобақа якунида Қашқадарё вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Шунингдек, Тошкент шаҳри, Андижон ва Бухоро вилоятлари жамоалари ҳам совриндорлар сафидан жой олдилар.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**

# ИСТИҚБОЛИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ



### Имконият

*Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 27-умумтаълим мактаби республикамиздаги намунали илм масканларидан бири ҳисобланади.*

Мактабнинг синфхоналари, информатика хонаси ва фан лабораториялари жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган. Айни пайтда билим даргоҳида 12 та фан ва 5 та спорт тўгараги мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Бундай шарт-шароитлар, табиийки, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб камол топишига замин яратаяпти.

**СУРАТДА:** информатика фани ўқитувчиси Исматулли Қурбонбоев ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# «Насаф» – «Ал-Аҳад» 4:0

***Кеча Осиё Футбол конфедерацияси кубоги гуруҳ босқичида бешинчи тур учрашувлари ўтказилди.***

### Хушхабар

“С” гуруҳи иштирокчиси, Қаршининг “Насаф” жамоаси ўз майдонида гуруҳ аутсайдери Ливаннинг “Ал-Аҳад” клубини қабул қилиб, 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришди. Тўпларни Ҳамза Каримов, Рустам Қодиров, Ботир Қодирқулов ва Сергей Крот киритди.

Ушбу ғалабадан сўнг “Насаф” ўз очколарини 10 тага етказиб, гуруҳдаги мавқеини мустаҳкамлаб олди.

“Насаф” гуруҳ босқичидаги сўнгги учрашувни 27 апрель куни Сурияда маҳаллий “Ал-Жаиш” жамоасига қарши ўтказади.

***Навоий шаҳрида Адлия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган “Ҳуқуқ билимдонлари” республика танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.***

# Билимдонлар беллашуви

### Танлов

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, истеъдодини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими масканлари ўқувчиларидан таркиб топган жамоалар ўзаро беллашдилар.

Тадбир якунига кўра, “Лидерадо” (Навоий) ва “Иқбол” (Бухоро) жамоалари тенг очко жамғариб, беллашувнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО (21 апрель)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 8-13, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13 даража, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 8-13 даража, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15 даража, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 8-10 даража, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 02.05 1 2 4 5